

Qishloq hayoti

2012 йил **Мустақам оила йули**

Кишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 6-SENTABR, PAYSHANBA, 104 (8029) - SON

1974-yil 1-yanvardan chiqq boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.

Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!



Рашид Галиев олган сурат.

ОИЛА

*Кундуз — ёруғ, тунлар — чароғон,
Зиё кокил — Қуёш, Ой ила.
Ки, азалдан очил дастурхон
Ва муқаддас ҳар бир Оила.*

*Илк оила остонасида —
Бир удум бор ўқилгай никоҳ.
Ҳаёт — тошқин, ҳаёт — осуда,
Бу кўзгуда илоҳий нигоҳ.*

*Не бахт, Чинор бўлмақлик учун —
Алла тинглаб ўсар бешиқлар.
Соҳибини хоҳ кундуз, хоҳ тун —
Кучоқ очиб қутар эшиқлар.*

*Тур сийлайди кафтига олиб,
Меҳр билан Хизрваш чолни.
Ва қирқ қават кўрпача солиб,
Фарзанд суҳан айлайди болни.*

*Ардоқдаги чорсули момо —
Қариси бор уйнинг париси...
Дейсиз — оила, юлдузга само —
Оилада жамдир бариси.*

*Оила ҳам асли бир Ватан,
Шаън-шавкати ва шони бордир.
Ҳиёнатга йўл очсанг, зотан —
Мутлоқ жазо — тўғони бордир.*

*Уммондаги гоҳ қалтис қайиқ —
Тўққилларнинг мавжсида омон.
У мангуға таҳсинга лойиқ,
Оила бу — монанди кўрғон.*

*Бундан ўза таърифлар нечун,
У — Сиз, у — мен... меҳрга ҳотам.
Ўзбекистон — Оила — очун,
Меҳримиздан гулласин Ватан!*

Абдулла ТУРДИЕВ

«CHEVROLET COBALT»: ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Пойтахтимизда 5 сентябрь куни «GM Uzbekistan» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган янги «Chevrolet Cobalt» автомобилнинг тақдироти бўлиб ўтди. Тадбирда мамлакатимизнинг тоғишли вазирлик ва идоралари, «General Motors» компанияси, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдирот маросимида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида асос солинган Ўзбекистон автомобил-созлик саноати истиқлол йилларида халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятининг рамзига айлангани таъкидланди. Дунёнинг нуфузли компаниялари билан ўзаро тенглик ва манфаатли муносабатларни ўрнатилганга асосланган бу борадаги ривожланиш стратегияси жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилгандир.

Юртимизда ишлаб чиқарилган автомобиллар нафақат мамлакатимиз, балки бошқа давлатларда ҳам харидорларнинг ишончини тўла қозонмоқда. Автомобилларимиз дунёнинг турли давлатларига экспорт қилинмоқда.

МДХнинг 104 шахрида уларни сотиш бўйича дилерлик корхоналари фаолият кўрсатаётир.

«Узавтосаноат» акциядорлик компанияси ўз таркибида қарийб 40 компанияни бирлаштирган. Улар орасида Жанубий Корея, АҚШ, Италия, Германия, Голландия каби мамлакатлар капитали ва технологиялари иштирокида ташкил этилган корхоналар бор. Бу корхоналарда энгил автомобиллар, автобуслар, юк автомобиллари ва буғловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда.

Мамлакатимиз автомобил-созлари истеъмолчиларнинг талаб ва тақлифларини инобатга олган ҳолда, уларни такомиллаштириш, моделлари турини кўпайтириш юзасидан мунтазам иш олиб бормоқда.



Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, «Узавтосаноат» акциядорлик компанияси ва «General Motors» корпорацияси яна бир янги русумдаги автомобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

«Узавтосаноат» мутахассисларининг таъкидлашича, янги энгил автомобилнинг ишлаб чиқарилиши мамлакатимиз автосаноати янада изчил ва дадил ривожланиётганидан далолатдир.

«Chevrolet Cobalt» — «General Motors» томонидан тобора та-

рақий этиб бораётган бозорлар учун махсус ишлаб чиқилган мутлақо янги русумдаги автомобилдир. Ушбу автомобиль тўрт турда ишлаб чиқарилади.

«Cobalt» 1,5 литр ҳажмдаги тўрт цилиндрли, бензин билан ишлайдиган 106 от кучи куватига эга ва 5 босқичли механик узатмали двигатель билан жиҳозланган. 100 километрга тахминан 6,2 литр ёқилғи сарфлайди. Ривожланиб бораётган бозорларда бу автомобиль В туркумига кирувчи ягона моделъ

бўлади. Бундан ташқари, унинг 6 босқичли автомат трансмиссия ўрнатилган русумига ҳам буюртма бериш мумкин.

Беш киши учун мўлжалланган ушбу кенг салонли автомобиль йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида ён томонлари баланд анатомик ўриндиқлар билан жиҳозланган. Автомобиль кондиционер, қўйма дисклар, аудиотизим, хавфсизлик ёстиқчалари, электр кўзгулар ва автоматик трансмиссия билан жиҳозланган.

«Cobalt» автомобилнинг ажойиб дизайни, замонавий хавфсизлик тизими ва бошқа юксак сифат кўрсаткичлари компанияга уни нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам сотиш қўлами ва ҳажмини кўпайтириш имкониятини беради. Мутахассисларнинг фикрича, «Chevrolet Cobalt» харидорлар эътиборини тез қозонади. Ушбу янги моделни ишлаб чиқариш ҳажми йилга 120 мингдан ошади ва яқин вақт ичида у сотувга чиқарилади.

Виктор НИКОЛАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ — АСОСИЙ ТАМОЙИЛ

Мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг йигирма бир йиллигини нишонладик. Бу қутлуг сана муносабати билан ўтган даврга назар солидик. Ҳаётимизни, эришилган натижаларни, ютуқларни таҳлил қилдик. Яна бир бора англадикки, тарихан қисқа даврда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиёти юксалиб, дунёнинг изчил ривожланаётган давлатлари қаторидан мустақкам ўрин эгаллади. Халқимиз истиқлолнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари бошчилигида улкан ишларни амалга оширди. Эришилган муваффақиятларимизда Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ўзбек модели” муҳим омил бўлаётир.

■ **О.ЖУМАНИЯЗОВ,**
Қорақалпоғистон Республикаси
Адлия вазирининг биринчи
ўринбосари.

Инсоният тараққиётининг энг катта ютуқларидан бири бўлган инсон ҳуқуқлари ғояси кўплаб халқро ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзагини ташкил этади. Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб инсон ҳуқуқлари ғояларига содиқлигини ҳамда халқро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қондалари устулгини эълон қилди. Бунинг тасдиғи сифатида Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 80 дан ортиқ халқро ҳужжатга қўшилганини таъкидлаш жоиз.

Асосий қонунимизнинг давлат

органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулиги тўғрисидаги қонун (2-модда) билан бошланиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ҳимояси биринчи ўринга қўйилиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигининг ёрқин ифодасидир.

Авалло, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича қонунчилик тизими яратилганлигига алоҳида аҳамият қарати ўринлидир. Истиқлол йилларида Парламент томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир 15 та кодекс ва 500 дан ортиқ қонунларнинг қабул қилиниши бунинг ёрқин далилидир.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қонуний манфаатларини таъминлашда

фуқароларнинг муносабатларини қабул қилиш, қўриб чиқиш ва қонуний халқилиш масалалари алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, Конституциямизнинг 35-моддасида, “Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан муносабат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда қўриб чиқилиши шарт” деб белгилаб қўйилган.

Кейинги йилларда мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасини янада либераллаштириш ва демократлаштиришга, суд ҳокимиятининг нуфузини, чинакам мустақиллигини ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

2012 йилнинг “Мустақкам оила йили” деб эълон қилиниши узоқ давом этиб келаётган ижтимоий йўналтирилган ислохотларнинг узвий давоми бўлиб, қучли ижтимоий сиёсат таъминлигининг навбатдаги амалий ифодасидир.

Мухтарам Президентимиз оилани мустақкамлаш учун оила қонунчилиги-

ни ислоҳ қилиш, оиллага давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш, маҳалла институтини имкониятларидан самарали фойдаланиш ва оиллага маънавий муҳитни юксалтириш йўналишларини белгилаб берди. Хусусан, “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг иқтисодий тараққиётини юксалтиришда муҳим қадам бўлди.

Мазкур Қонун “Мустақкам оила йили” Давлат дастурининг биринчи йўналишида белгиланган қонунчиликни мустақкамлаш ва ҳозирги давр талабини инобатга олган ҳолда, оила институтини ривожлантиришга хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторидан жой олгани ҳам фикримизнинг моҳияти нечоғли муҳимлигидан дарак беради.

Бугунги кунда Президентимиз таъбири билан айтганда “Ислохот ислохот учун эмас, инсон учун, инсон манфаатлари учун” эканини кишилар онига янада чуқурроқ сингдиришимиз, мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг замирида шу халқнинг фаровон ҳаёт кечириши, юртимиз раванги, келажақ авлоднинг нурили истиқболи ётганини теранроқ тушунтиришимиз лозим.

Анжион Вилояти

Қорасув шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Лойиҳа қиймати 946 миллион сўм бўлган ушбу бинони “Андконструкция” масъулияти чекланган жамияти қурувчилари барпо этди.

МАРКАЗНИНГ ЯНГИ БИНОСИ

Мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, тиббий хизмат сифати ва савиясини юксалтириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини яхшилаш, соҳа ходимларининг касбий билим, маҳорат ва тажрибасини янада ошириш, уларнинг самарали меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Янги очилган мазкур тиббий муассасада санитария ва эпидемиология бўлимлари, паразитология ҳамда бактериология лабораториялари фаолият кўрсатади. Бино хоналарига яратилган шароит замонавий талабларга тўлиқ жавоб беради.

— Янги, замонавий бинога эга бўлганимиздан хурсандимиз, — дейди Қорасув шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори Ойбек Мадраҳимов. — Марказимиз барча зарур жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. Бу фаолиятимиз сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎЗА мухбири.

Бухоро Вилояти

Сархил мевалар — эл дастурхонига



Бухоро туманидаги Саховат қишлоқ фуқаролар йилғи ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли асосан узумчилик билан шуғулланади.

Ҳудуддаги 50 та фермер ҳўжалиги ихтиёрида 326 гектар узумзор мавжуд бўлиб, соҳибкорларнинг меҳнати эвазига тоқзорларда бу йил мўл ҳосил этиштирилган. Тумандаги “Саховат узум меваси” агрофирмаси билан 2500 тонна сархил узум етказиб бериш бўйича шартнома имзолаган ҳўжалиқларда пишиб етилган ҳосилни саранжомлаб олиш қизгин давом этмоқда.

— Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми қайта ишлаш корхоналарига жўнатиляпти, — дейди агрофирма раҳбари Ўткир Шарипов. — Шунингдек, агрофирма мизда киш ва баҳор фасллари учун ҳам ҳар қачонгидан кўпроқ узум ва бошқа мевалардан захира жамғариш чоралари қўриб қўйилган. Максадимиз йил давомида эл дастурхонини сархил мева ва улардан тайёрланган маҳсулотлар билан таъминлашдан иборат.

Ҳамроз АЛИ олган сурат.

Тошкент Вилояти

ТАЪМИНОТ ТАКОМИЛИДА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР

Жамиятимиз тасарруфида умумий узунлиги 4172 километр марказлашган ичимлик суви қувурлари, бир кеча-кундузда 1005 минг куб метр ичимлик суви ишлаб чиқариш қувватига эга сув иншоотлари мавжуд. Шунингдек, 951,3 километр узунликдаги оқова сув коллекторлари, тармоқлар ҳамда бир кеча-кундузда 442 минг куб метр оқова сувларини қабул қилиш ва тозалаш қувватига эга иншоотлар орқали вилоят аҳолиси марказлашган канализация хизматидан фойдаланади.

“Тошвилсувоқова” ОАЖ таркибидagi шаҳар, туман “Сувоқова” ишлаб чиқариш шўбба корхоналари томонидан 2012 йилнинг олти ойи давомида 12010 миллион сўмлик хизматлар кўрсатилди. Жумладан, ичимлик суви таъминоти бўйича 6308 миллион сўмлик, оқова хизматлари бўйича 5701,8 миллион сўмлик хизматлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2012 йил 20 июндаги “Республика иқтисодий тармоқларини 2012-2013 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосан вилоятдаги шаҳар, туман “Сувоқова” ишлаб чиқариш шўбба корхоналарида 2012-2013 йиллар куз-қиш мавсумида тармоқларнинг барқарор ишлаши таъминлаш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, 24,6 километр узунликдаги ичимлик суви қувурлари ва тармоқларини мукамал таъмирлаш, 84,80 километр узунликдаги ичимлик суви қувурлари ва тармоқларини жорий таъмирлаш ишлари бажарилиши кўзда тутилган. Бугунга қадар 13,57 километр мукамал, 50

километр жорий таъмирлаш ишлари бажарилиди.

Шу билан бирга, 98 дона технологик, 33 дона электротехник жиҳозлар, 10 дона машина механизмлари мукамал таъмирланди. 89 дона технологик, 53 дона электротехник жиҳозлар ва 12 дона машина механизмлари жорий таъмирланди.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосан 2012 йилнинг ўтган даврида вилоятимиздаги 9 та қишлоқда — Бекобод туманидаги Тақачи, Зангиота туманидаги Қатртол, Паркент туманидаги Гулбоғ, Ўрта Чирчиқ туманидаги Қумовул, Юқори Чирчиқ туманидаги Бардонқўл, Марказ, Тинчлик, Йиқ Ота, Арганчи, Жумабозор, Қўқўрган туманидаги Ойтмағали қишлоқ фуқаролар йилғилари ҳудудларидаги қурилаган намунавий уй-жойлар учун 15,5 километр сув тармоқлари, 6 та сув қудуқ қавланди, 4 та сув минораси, 6 та сув насослари ўрнатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 2012 йил 13 апрелдаги қарориди тасдиқланган манзилли дастурдаги 39 та қишлоқдан 12 та қишлоқда 5 та сув қудуқлари қавланди, 3 та сув минораси қурилиб, 14 километр сув тармоқлари тортинди.

2012-2017 йилларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида “Ичимлик суви тизимларини такомиллаштириш” лойиҳаси бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Осиё тараққиёт банки томонидан лойиҳа умумий қиймати 73,04 миллион АҚШ доллари миқдориди “Туябўғиз-Бекобод” минтақаларо сув қувурлари ва иншоотлари қурилиши, лойиҳа умумий қиймати 34,3 миллион АҚШ доллари миқдориди Чиноз, Зангиота ва Янгийўл туманларидаги сув иншоотларини таъмирлаш, лойиҳа умумий қиймати 77,3 миллион АҚШ доллари миқдориди Чимён-Чорвоқ дам олиш ҳудудида ичимлик суви таъминотини ривожлантириш асосида Чирчиқ шаҳри оқова сувларини тозалаш иншоотини қайта таъмирлаш, лойиҳа умумий қиймати 7,5 миллион АҚШ доллари миқдориди Қийрай ва Зангиота туманлари аҳоли пунктларида оқова сув тизимини реконструкция қилиш режалаштирилган. Шу кунларда лойиҳага кириштиришда иш олиб боришмоқда.

НУЪМОН АМИНОВ,
“Тошвилсувоқова” ОАЖ
бошқаруви раиси.

Қашқадарё вилояти

ТАЪЛИМ

ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ БИЛАН БОШҚА СОҲАЛАРДА БЎЛГАНИ КАБИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАМ КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Мустақиллик йилларида “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва унинг узвий давоми бўлган “Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури” доирасида Қашқадарё вилояти халқ таълими тизимида 218 та янги мактаб қурилди, 232 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 462 та мактаб мукамал ва 356 та мактаб жорий таъмирланди. 328 та спорт заллари, 2 та мусиқа ва санъат мактаблари янгидан қурилди. 5 та мусиқа ва санъат мактаби биноси капитал реконструкция қилинди. Шундан 2009-2014 йилларда мактаб тизimini ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида 114 та мактаб, 175 та спорт заллари янгидан қурилди, 208 та мактаб бинолари капитал реконструкция қилинди, 352 та мактаб мукамал, 256 таси жорий таъмирланди.



■ **Тўра САИДОВ,**
Қашқадарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи.

Қишлоқ ва шаҳар мактаблари орасидаги тафовутга барҳам берилди, уларнинг моддий-техник базаси жаҳон стандартлари даражасига кўтарилди. Вилоятдаги мактабларнинг 76 таси биология, 76 таси кимё, 660 таси кимё-биология, 761 таси физика ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланди. Айни кунда вилоят мактабларининг 52,5 фоизи компьютер технологиялари асосида фаолият юритмоқда, 922 таси эса “ZiyoNET” таълим тармоғига уланган.

Вилоятимизнинг 6 нафар ўқувчиси халқаро олимпиадаларда муносиб иштирок этиб, бронза медаллари соҳиби бўлдилар. Китоб туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернат ўқувчиси Шохруҳ Сайфулла ўғли ва Охунжон Файзуллаевлар Ереван ва Ханой шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро Менделеев математика олимпиадаларида ўз иктидорларини намойиш этишди. Бундан ташқари, вилоятимизнинг 40 нафардан ортик ўқувчилари фан олимпиадаларининг республика босқичларида муносиб иштирок этиб, танлов йўналишлари бўйича имтиёзли равишда олий таълим даргоҳларига қабул қилинди.

Шахрисабз туманидаги 98-4-мактаб ўқувчилари Гулҳаё Эргашева, Шаҳноза Холмамадова, Ғузур туманидаги 22-умумтаълим мактаби ўқувчиси Гулруҳ Очилова, Қарши шаҳридаги 1-мактаб ўқувчиси Гулнингор Авазова, Касби туманидаги 26-мактаб ўқувчиси На-

сиба Шариповалар Зулфия номидидаги Давлат мукофотиغا лойиқ кўрилди.

Халқаро ва республика миқёсидаги кўрик-танловлар натижаларига кўра 200 нафардан ортик ўқувчилар ғолиб деб топилди, совринли ўринларни кўлга киритишди. Вилоятимиздаги ўғил-қизларнинг 300 нафарга яқини халқаро миқёсдаги, 1000 нафардан зиёди эса республика спорт мусобақаларида ғолиб бўлишди.

Албатта, бу кўрсаткичлар

босқичида фахрли ўринни эгаллавланганида ҳам кўриш мумкин.

Халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган самарали ишлар жаҳон таълими соҳасида ҳам ўзининг муносиб баҳосини олмоқда. Шахрисабз туманидаги 32-мактабнинг ЮНЕСКО дастури доирасидаги фаолияти, Қарши шаҳридаги 23-мактабнинг 106 минг АҚШ доллари ҳажмидаги Япония гранти, Касби туманидаги 22-мактабнинг 94 минг АҚШ дол-

ўрни бор. Институт профессор-ўқитувчилари томонидан ҳар йили 7000 га яқин педагогларнинг билим, кўникма, малакалари янгиланади. Утган йиллар мобайнида 2000 дан ортик мутахассислиги йўқ педагоглар институтнинг қайта тайёрлов курсларида ўқитилди ва вилоят ўқитувчилари таркиби малакали кадрлар билан тўлдирилди.

Истиқлол йилларида ўқитувчиларнинг жамиятдаги ўрни, эл ичидидаги обрўси ошди. Ўртаб-шумиизнинг бевосита раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимиздаги фидойи ўқитувчилар қатори вилоятимиз халқ таълими тизими ходимларидан 273 нафари турли мукофот ва унвонларга муносиб кўрилди. Улардан 23 нафари “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”, 22 нафари “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”, 23 нафари “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” фахрий унвонлари соҳиби бўлдилар. Педагогларимиздан 14 нафари “Меҳнат шухрати”, 9 нафари “Эл-юрт ҳурмати” орденига муносиб қўрилиши ҳам вилоятимиз таълим ходимларининг шарафли меҳнатига берилган юксак баҳодир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг “Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti” мавзусидаги халқаро конференциядаги маърузасида зиммаимиздаги вазифалар аяқол кўрсатиб берилди. Уларни вилоят халқ таълими тизимида кенг татбиқ этиш билан боғлиқ тадбирлар белгилаб олинган ва ихросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.



вилоят халқ таълими соҳасида фаолият юритаётган фидойи ўқитувчи-мураббийлар меҳнатининг натижасидир. Тизимнинг кадрлар салоҳияти ортомқда, истиқболли ёш педагоглар ҳисобига кенгайтирилмоқда. Вилоятнинг 21 нафар педагог-ҳодими 2005-2011 йиллар давомида ўтказилган “Йил ўқитувчиси”, “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси”, “Йил тарбиячиси” кўрик-танловларининг республика босқичи ғолибларидир.

Мустақиллик йилларида вилоят мактабларининг янгиланиб, таълим-тарбия жараёни такомиллашиб бораётганлигини 5 та мактабнинг “Йил мактаби” кўрик-танлови республика

лари миқдоридидаги ўқув жиҳозларини олиши фикримиз ишортидир.

Вилоятда 752 та “Устоз-шоғирд” мактаби, шунингдек, “Касбий маҳорат устахона”лари ташкил этилди. Устоз ва шоғирдларнинг ҳамкорлик қилиши учун уларнинг ижодий-методик кунлари мувофиқлаштирилди. Шу тариқа малака оширишнинг узви, ишдан ажралмаган янги шакли амалиётга татбиқ этилмоқда.

Тизим раванқида Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтининг ҳам ўзига хос

Бухоро вилояти

Уруғликнинг сараси — ҳосилнинг баракаси, дейишди деҳқонларимиз. Дарҳақиқат, шундай. Сифатли уруғ қадалган майдонларда қилинган меҳнат бесамар кетмайди, тўлиқ ва соғлом кўчат ундириб олинади.

УРУҒЛИКНИНГ ЭНГ САРАСИ САРАЛАНДИ

Бунда уруғлик дон тайёрлаш корхоналаридаги замонавий технология нихоятда кўл келяпти

Кейинги йилларда Бухоро вилоятида ҳам ғаллачилик йўналишидаги фермер хўжалиқларининг экин ерларига воҳанинг тупроқ ва иқлим шароитига мос келадиган бугдой навларини жойлаштириш ҳамда улардан сифатли уруғлик тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жорий йилда ғаллакорлар “Краснодар-99”, “Старшина”, “Аср”, “Бобур”, “Селанка” навларидан юқори ҳосил олишга эришдилар. Бу навлар қатор афзалликлар билан деҳқонларга жуда маъқул бўлди.

Келгуси йил ҳосили учун ушбу ва бошқа истиқболли навлардан вилоятдаги дон экиладиган майдонлар учун талаб этиладиган 16 минг 400 тонна уруғликни тайёрлаш ишлари Ромитан ва Вобкент туманидаги уруғлик дон тайёрлаш масканларида жарад суратланда олиб берилмақда.

— Бу йил уруғлик тайёрлаш мавсуми олдидан дон тайёрлаш масканларида технология қайта жиҳозлаш тадбирлари амалга оширилди. Уруғлик тайёрлаш ускуналари Германиянинг “Петкус” фирмаси замонавий жиҳозлари билан алмаштирилди, — дейди “Бухородонмусулотлари” очик акциядорлик жамияти раиси Дилмурод Тураев. — Бу технология иш қувватини 20 фоизга ошириши баробаридан уруғликни юқори сифатда саралаш имкониятига эга эканлиги ва тежамкорлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Уруғлик дон тайёрлаш масканларида сараланган уруғликни дориллаш, қадоқлаш, сақлаш ва тегишли тартибда тарқатиш шохобчаларига етказиб бериш борасида кўрилган чора-тадбирлар ҳам мавсумни ўз вақтида аяқунлашга хизмат қилаётир.

Яна саноқли кунлардан сўнг вилоятда кузги дон экиш юмушлари бошлаб юборилади. Энг сара уруғликлар эса келгуси йил ҳосили учун муҳим пойдевор бўлиб хизмат қилиши турган гап.

Ҳамроз АЛИ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

«ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛАДИ

Тошкент вилояти Зангиота тумани Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини худудидидаги Оқтош маҳалласида яшовчи Н.Нажмиддинова ва бошқа фуқаролар номидан тахририятимизга келган шикоят ўрганилиб, тегишли чора кўриш учун мутасадди идораларга йўлланган эди. Масалани ўрганишда Зангиота тумани “Ермулқадастр” хизмати бош муҳандиси А.Икромов, шу хизматнинг Кўксарой қишлоқ фуқаролар

йиғинидаги бўлими ходимлари — Қ.Тўхтаев, З.Эгамбердиев, Кўксарой ҚФЙ бош мутахассиси А.Розиқовлар иштирок этишиб, улар томонидан далолатнома тузилган. К.Анваровга тегишли бўлган Арча кўчаси рақамсиз уй-жой майдони кадастр ходимлари томонидан ўлчанганда ҳужжатда кўрсатилган 8 сотих ўрнига 10,5 сотих чиққанлиги, яъни 2,5 сотих ортиқча эканлиги аниқланган. Ҳўжалик ички сув ариғи

К.Анваровнинг ҳовли-жойига қўшилиб, ўраб олинганлиги Арча кўчасида яшовчи аҳолига қийинчилик туғдирган. Мутахассислар иштирокидаги муҳокама натижасига кўра юзага келган муаммони бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Зангиота тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Ҳолиқов имзоси билан тахририятимизга йўлланган жавоб хатида шулар маълум қилинган.

Андижон Вилоят

ТАЖРИБА ВА НАТИЖА

ДЕҲҚОНЧИЛИКДАГИ НОАНЪАНАВИЙ УСУЛЛАР

Галла ўрим-йиғим мавсумида Олтинкўл туманидаги «Обод водий саховати» фермер хўжалигида бўлган эдик. Фермер Қўчқарбой Турдалиевнинг кайфияти чоғ. Натижалар кўнгилдагидек эди. 26 гектар ердаги галладан 80,5 центнердан дон янчиб олган фермер шартнома режасини 116 фоизга бажариб қўйибди.

Қишлоқ хўжалиги фанлари номзода Қўчқарбой Турдалиев ҳар бир агротехник тадбирни амалга ошириш чоғида албатта, фан ютуқларига суянади. 2011 йил галла мавсумида уруғлик учун топширилган галлани алоҳида сақлаш, тозалаш, саралаш ва экишга тайёрлаш учун тайёрлов корхонаси мутасаддиларига мурожаат этди. Фермернинг ушбу мурожаати хайрихоҳлик билан қабул қилинди.

— Мен 2009 йилдан буён Бахтиёр Йўлчиев тавсияси билан гўза ва галлани суғоришда магнитдан фойдаланиб келаман, — дейди Қўчқарбой Турдалиев. — Бу усулнинг пахта ва дон ҳосилдорлигига ижобий таъсирини кўряпман. Утган йили ҳар гектар галлазордан 71 центнердан ҳосил олган эдик. Ҳосилимизнинг салмоқли қисми уруғликка қабул қилинди. Ўзим етиштирган уруғликни даламда яна экиб кўрсам, натижаси қандай бўларкан, деган фикр келди. Тайёрлов корхонасида тайёр бўлган уруғликни гўза қатор ораларига эдиким. Об-ҳаво кескин ўзгара бошлаган кунларга қадар тўлиқ кўчат олишга эришдим. Менда 110 килограмм магнит бор. Ҳар сувда ундан фойдаландим. Бошқа агротехник тадбирларни ҳам бир маромда бажаришга интилдим. Мана бугун тажриба натижаларини барчамиз кўриб турибмиз.

Қўчқарбой Турдалиев деҳқончиликда фан ютуқларини татбиқ этиш борасида ўзига хос тажрибага эга. Далада ишлаб юриб ўсимликларни химоя қилиш йўналишида илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиб, кишлоқ хўжалиги фанлари номзода бўлган. Ҳисоб-китобли фермер битта ракам билан ўз ишининг натижаси моҳиятини очиб бера олади. Масалан, ушбу фермер хўжалиги-

да ҳар гектар ердан ўртача 304 дондан тойланган сомон олинди. Фаллачилик агротехникасини чуқур билган одам бу ракамнинг мағзини чака олади. Фалла ҳосилдорлиги кўтарилган сари сомон микдори ҳам ортиб боради.

“Гулшан Ахтачи” фермер хўжалиги Андижон-Асака йўлининг ўнг томонида жойлашган. Бундан 5-6 йил аввал мазкур фермер хўжалиги далаларига нигоҳи тушган одамнинг хаёлидан нималар ўтмаган дейсиз. Ер ости сувлари яқинлиги боис далаларни ёзга бориб қамиш, гўмай каби ўтлар эгаллаб оларди. Андижон тумани-



фермер бўлгач, ишга шу қадар берилиб кетдики, қачон борсангиз, далада эгат оралаб юрганлигини кўрасиз. Бугун унинг далалари бегона ўтлардан мутлақо холи. Иброҳим-

тачи” фермер хўжалигида шудгорсиз технология қўлланилмоқда.

Экинларни суғоришда магнит қўллаш натижалари ҳақида сўрасангиз, фермер унинг самаралари ҳақида ипидан игнасиб гапириб беради. Сизот сувлар яқин дала шароитида галла ҳосилдорлигини ошириш ҳақида Бахтиёр Йўлчиевга савол берди.

— Бу борада ҳам дастлабки тажрибалар бошланди, — деди Бахтиёр Йўлчиев. — Бугдэй экиш чоғида ёнингизда тураман. Шўрланишга ўта мойил барча майдонларга экиладиган уруғликни шакарласас бас.

Қузда шўрланиш даражаси юқори 14 гектар майдонга ажратилган уруғлик намланди ва маълум микдордаги шакар билан аралаштирилди. Айтиш жоизки, энг текис кўчат шакарлаб бугдэй экилган 14 гектарли далада яратилди. Шакар тупроқда бир қатор биокимёвий реакцияларни тезлаштириб беради. Шу жараёнда тезда эриб, ўсимлик учун осон ўзлаштирадиган ҳолатга киради. Натижада илдиш тез ривожланади, бақувват бўлади. Ўсимлик дуркун ўсиб, ҳосил элементларини эрта олади. Б.Йўлчиев шўрланган майдонларга экиладиган уруғликни шакарлаш бўйича тажрибасини 2010 йили Балқич туманидаги “Насиба орузси”, “Обиджон ота”, “Аҳмаджон

ота” фермер хўжаликларида синовдан ўтказиб, ижобий натижага эришганди. Айниқса, “Обиджон ота” фермер хўжалигида ушбу усул галла ва пахта ҳосилдорлигини оширишда муҳим омилга айланди. Баҳромжон Қосимов раҳбарлик қилаётган ушбу фермер хўжалик рентабеллик бўйича вилоятда олдинги ўринга чиқиб олди.

Иброҳимжон Алимовнинг даласида ўтказилган тажриба якуни шу бўлдики, ҳосилдорлик 74 центнерга тўғри келди. Унинг айтишича, қузда 40 гектар галлазорга уруғ экишда шакардан фойдаланишни ният қилиб турибди.

Балқич туманида Соҳибaxon Худойбердиева етакчилик қилаётган “Коинот” фермер хўжалигида ҳам экинларни суғоришда магнитдан фойдаланилади. Экинлар ёшигиданоқ баригдан озиклантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Тўрт бор берилган суспензия ишчи эритмасига мис толқони, бор кислотаси қўшилгани боис, бақувват бўлган гўза зараркунанда ва ҳашаротларга энгилмади.

Андижон қишлоқ хўжалиги институтининг ўқув-тажриба хўжалиги далаларини ажрик, бегона ўтлар босганди. Ҳосилдорлик ҳақида гапирмасам ҳам бўларди. Институтга ректор бўлиб келган Ботир Сулаймонов ўқув-тажриба хўжалиги далаларини кузатар экан, бу ердаги нотабий ҳолат уни ўйга солиб қўйди.

2011 йилнинг кузида дала бегона ўтлар ва ажрикдан обдон тозаланди. Галла экиш чоғида уруғ шакарланди. Фарқлиниши сезиш, қиёслаш мақсадида чоғроқ далага оддий усулда экилди. Ўқув-тажриба хўжалиги галлазоридagi кескин ижобий ўзгариш кўпчилигининг эътиборига тушди. Олдий ва ноанъанавий усулда уруғ сочилган галлазорининг бўй-баста тажрибанин ижобий якуни топшидиган дарак бера бошлади. Ҳосилдорликдаги фарқ 7 центнерни ташкил этди. Энг муҳими, ўқув-тажриба хўжалиги омбори дон кўрди.

Қобилжон АСҚАРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



даги бир қатор ташкилот ва муассасаларнинг ходимлари қанчалик кўмак беришмасин, барибир натижаси кўринмасди. Энди манзара буткул бошқача. Иброҳимжон Алимов

жон билганига амал қилади. Билмаганини эса сўрашдан орқилмайди. У “Оқ сув” фермер хўжалиги раҳбари Алижон Аҳмедовга шогирд тушди. Икки йилдан буён “Гулшан А-

«ОҚ ОЛТИН»НИ ЁНГИНДАН АСРАЙЛИК

Айни вақтда пахта ҳосилини нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш олдиришда турган асосий вазифалардан Ҳисобланади. Пахта йиғим-терим мавсуми давомида ёнгинларга йўл қўймаслик ҳамда пахтани сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида содир бўлиши мумкин бўлган кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари пахта сонояти корхоналари билан ҳамкорликда ишлар олиб боришмоқда.

Бу йил ҳам жойларда мавсум олдинда профилактик-тушунтириш ишлари олиб борилди. Барча техника ва технологиялар текшириб чиқилди. Пахтани сақлаш ва қайта ишлаш корхоналари янги, замонавий ёнгин ўчириш автомашиналари, турли усуналар билан таъминланди. Корхоналарда қайта текширувлар ўтказилиб, камчиликларни бартараф этиш, мутасаддиларнинг масъулиятини ошириш ва содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтказилган текширув ва ўрганишлар натижасида ёнгин чиқиш хавфи бўлган 11 та корхона, цех ва омборхоналарнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди. 77 та носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди. Ёнгин хавфсизлиги қондаларини бузган ёки уларни бажармаётган 36 нафар раҳбар, жавобгар шахс, ишчи ва хизматчиларга 6 миллион 474 минг 468 сўм микдорда маъмурий жарима солинди.

Айни пайтда “Узпахтасаноат” уюш-

маси тизимидаги ҳудудий бирлашмалар ва корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника, ёнгин ва экология хавфсизлигини таъминлаш ишларини ташкил этиш тўғрисидаги Низом талабларидан келиб чиқиб, раҳбарларга ва техник мутахассисларга ёнгин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган вазифалар белгилаб берилди.

Жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва ёнгин хавфсизлиги талабларини кенг тарғиб қилиш мақсадида ишчи-хизматчилар билан суҳбатлар ўтказилди.

Шу ўринда ҳосилни ёнгиндан асраш қондаларини яна бир бор эслатиб ўтамиз:

Пахта териладиган ва сақланадиган жойларда чекиш ва очик оловдан фойдаланиш, терилган пахтани далада қолдириш, пахта териш машинасини бирламчи ёнгин ўчириш воситаларисиз ва

учкун ўчиргисиз ишлатиш, пахта териш машиналарининг бункерларида пахта бўлганда ёниги қуйиш, ёниги-мойлаш таъминоти носоз бўлган трактор ва машиналардан ҳамда пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида носоз кичик механизмлардан фойдаланиш тақиқланди.

Зотан, камчиликлар ва мавжуд муаммоларнинг юзага келиши ҳамда уларни бартараф этиш ўзимизга боғлиқ. Зарур чора-тадбирларни белгилаш, малакали мутахассислар тайинлаш, жойларда ишчилар билан қабул масканларининг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мунтазам равишда тадбирлар ўтказиш галдаги вазифамиздир.

Анвар ХУДАЙҚОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси катта муҳандиси, майор.


ДАВОМАТ УЧУН ОТА-ОНА ЖАВОБГАР

Германия мактабларида дарс қолдирган ўқувчиларнинг ота-оналари жаримага тортилади. Мамлакат меҳнат вазири Урсула фон дер Ляйеннинг сўзларига кўра, Германияда ишсизларнинг ярми ўрта маълумотга ҳам эга бўлмаган шахслардир.

— Дарс қолдириш ишсизликка, ёшлар орасида жиноий ишларни содир этишга қўйиладиган илк қадамдир, — дейди Урсула фон дер Ляйен. — Бундан бунён мактаб, полиция, ижтимоий хизматлар ва оила ҳамкорлики янада кучайтириши, болалар тарбияси билан ҳар томонлама шуғулланиши, уларни доимий назорат қилиб бориши лозим.



Германия ўқувчилар иттифоқининг маълумотларига кўра, мамлакатдаги 11,4 миллион ўқувчининг икки юз мингдан зиёди мунтазам равишда бесабаб дарс қолдиради. Янги лойиҳа эса ушбу ҳолатни яхшилашга хизмат қилади.



«Keer 32» тақдимоти

Чилилик олимлар томонидан яратилган янги кашфиёт — тишларни кемирувчи кариесни бутунлай йўқотишга қодир молекуланинг АҚШда тақдими бўлиб ўтди.

Йель университети ходими Хосе Кордова ва Сантьяго университети вакили Эрих Астудильонинг ҳамкорликда олиб борган кўп йиллик тадқиқотлари самарасида кашф этилган ушбу ақли молекула «Keer 32» деб ном олган. Маълумотларга қараганда, «32 тишингни асра» деган маънони англатувчи ушбу молекула кариесни келтириб чиқарувчи «Streptococcus Mutans» бактерияларини атиги бир дақиқа ичида ўлдириш хусусиятига эга.

Хабарларга кўра, стоматология оламида катта янгилик ҳисобланаётган мазкур лойиҳани тез орада амалиётга жорий этиш кўзда тутилмоқда. «Keer 32»ни оғиз бўшлиғини тозалайдиган оддий гигиеник воситаларга — тиш пасталарга, оғиз чайиш воситалари, тиш геллари, сақич каби маҳсулотлар таркибига қўшиш мумкин. Маълумотларга қараганда, кашфиётчилар янги ихтирони АҚШда сертификатдан ўтказиш ва йирик компанияларга тақдим этиш ниятида.

ДАРЕ ҲАЙКАЛИДАГИ ХАЙКАЛ

Ҳиндистон гарбидаги Нармада дарёсида мамлакат тарихида чуқур из қолдирган сивасатчи Сардор Валлабхай Пател ҳайкали барпо этилади.



АҚШнинг «Turner project» компанияси томонидан лойиҳалаштириладиган ушбу ёдгорликнинг баландлиги 182 метрни ташкил этади. Бу Нью-Йоркдаги Озодлик ҳайкалидан икки баробар баланддир.

Ҳиндистоннинг мустақилликка эришишида катта ҳисса қўшган Сардор Пателнинг ҳайкали «Бирдамлик ҳайкали» деб номланмоқда. Унинг қурилишига тахминан беш юз миллион АҚШ доллари сарфланади.



Атир-упа зарарми?

Швециянинг Уппсала университети олимлари хотин-қизлар учун ишлаб чиқарилаётган кўплаб пардоз воситалари қандли диабет хасталигини келтириб чиқариши мумкин, дея таъкидлашмоқда.

Пардоз-андоз воситаларининг пластик қадокларидаги фталат кимёвий моддаси маҳсулот таркиби билан ишқорланиб қандли диабет хасталиги юзага келишига сабаб бўлади. Ушбу модда, айниқса, тери парвариши учун мўлжалланган кремларда, озиқ-лантурувчи суртмалар ва атирларда кўп учрайди. Бундай воситалардан фойдаланилгач, тери орқали мазкур кимёвий модда қонга сингади ва ушбу касалликка чалиниш икки баробар ошади.

Экспертлар хотин-қизларга пардоз воситаларини харид қилишда уларнинг таркибига эътибор қаратиш лозимлигини ўқтирмоқда. Бу хабар атир-упа ишлаб чиқарувчи кўплаб компаниялар ўртасида норозилик туғдираётди. Улар ўз савдоси қасдига учрашдан хавотирда.



Қани, бир кўз ёш тўкинг-чи

АҚШнинг Пердью университети олимлари инсон кўз ёшидан қондаги қанд миқдорини аниқлайдиган ускуна яратдилар.




Ушбу наноқурилма графендан ишланган бўлиб, кўриниши атиргул баргини эслатади. Фойдаланиш қўлай ва осон бу нанотехнологияни ҳар қандай шароитда ва исталган лабораторияда кам маблағ сарфлаган ҳолда яратиш мумкин.

Мазкур биосенсор қондаги қанд миқдорини 0,3 микро-мол кўрсаткичда ҳам текшира олиш хусусиятига эга. Шунингдек, ушбу қурилма инсон организмидagi бoshка моддаларни ҳам қисқа вақт ичида аниқлай олади.

ШАФФОФ САМОЛЁТ

Франциянинг «Airbus» авиасозлик компанияси шаффоф қобикли самолёт ишлаб чиқарди. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, «Airbus»нинг мазкур ҳаво транспорти ўсимликлардан олинган табиий толалардан тайёрланган. Унинг конструкцияси қўш скелети асосида тузилган. Бу лайнер мустаҳкамлигини таъминлаш, ҳаво ҳароратини назорат қилиш имконини беради.




ҲОМИЛА ХОТИРАНИ КУЧАЙТИРАДИ


Америкалик олимлар фарзанд кўриш натижасида аёлларнинг хотираси яхшиланади, деган хулосага келдилар.




Майамидаги Карлос Альбизу университети олимлари узоқ уринишлар самарасида баъзиларнинг туғуруқдан сўнг аёллар хотираси сусаяди, деган фикрини рад этди.

Маълумотларга қараганда, бир-икки ёшли фарзанди бор ўттиз беш аёл ва яна худди шунча туғмаган аёл ўртасида тадқиқот олиб борилган, натижада факт ва маълумотларни эслаб қолиш жиҳатидан туққан аёллар устун келган. Тадқиқотчилар гуруҳи раҳбари Мелисса Сантьягонинг сўзларига кўра, ҳомиладорлик вақтида бўлажак она организмда ижобий физиологик ўзгаришлар юз беради.

 Наманган Вилюяти

 МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ҲАР ТАДБИРДАН МУДДАО, ЭЛУ ЮРТ ТОПСИН ФОЙДА



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимиз иқтисодийтидаги аҳамияти ниҳоятда катталигини барчамиз яхши биламиз.

Ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини, авваламбор, ёшларни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг оширишига эришишда айна шу соҳани тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омилардан биридир.

Соҳани тараққий эттиришда молия муассасаларининг муносиб хиссаси бор. Таъкидлаш жоизки, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, иқтисодиётни юксалтириш пировардида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилишида молия муассасалари ҳаракатлантирувчи куч вазифини ўтаётди. Буни «Ипотека банк»нинг Наманган вилояти филиали мисолида ҳам кўриш мумкин.

Филиал жамоаси иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш ва аҳолининг иш билан бандлигини оширишга қаратилган тадбирларни молиялаштиришга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, шинам ва кўркам уй жойлар барпо этиш, пул муомаласи барқарорлигини таъминлаш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини тақомиллаштириш ҳамда аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш бўйича бир қатор ишлар адо этилмоқда.

Мижозларга кредит бериш, айниқса, инвестициявий йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришга филиал жамоаси томонидан доимий равишда эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самараси ўлароқ жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, банкнинг кредит қўйилмалари ҳажми 24,1 миллиард сўмдан ошди. Шундан 21,4 миллиард сўмдан зиёда узоқ мuddатли кредитлар эканлиги эътиборга молик. Мазкур сармоялар саноат, қишлоқ ҳўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, қурилиш, транспорт каби соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилди. Айни чоғда банк филиалнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш борасидаги фаолияти ошгани ҳақида, жорий йилнинг 6 ойи давомида банк томони-



дан жами 8 404,2 миллион сўм миқдориди кредитлар ажратилганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Энг муҳими, ана шу сармомоялар эвазига 201 та янги иш ўрни яратилди.

Филиал жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, соҳа вакилларига сифатли банк хизматлари тақриф этиш борасида муайян ютуқларни қўлга киритишмоқда. Яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тақомиллашмоқда, қўллаб янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилмоқда.

Бу жараёнда Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги «Маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари муҳим дастурил-

Мазкур молия муассасаси томонидан жорий йилнинг ўтган ойларида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 8404,2 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу сармомояларнинг 3001,3 миллион сўми ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун, 1591,3 миллион сўми савдо ва айланма маблағларни тўлдириш учун, 423 миллион сўми қурилиш соҳасига, 2693,7 миллион сўми қишлоқ ҳўжалигига, 381 миллион сўми тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида йўналтирилди.

амал вазифини ўтаётди. Наманган шаҳридаги «Гарант» Мамсуъияти чекланган жамияти ҳам ана шундай сармомоядан баҳраманд бўлган банк миждозларидан. Ушбу корхонага озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун 87,4 миллион

сўмлик узоқ мuddатли кредит маблағи ажратилди. Корхонада энг сўнги русумдаги замонавий технологиялар ёрдамида йилига 480 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг миждозлари юртимизнинг барча ҳудудларида бор.

Наманган шаҳрида фаолият юритаётган «Исоқхон савдо сервис» хусусий корхонасида эса банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига эркаклар пойабзали ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада корхонада йилига 1480 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Энг муҳими, сармомая самарасида яна 10 та янги иш ўрни яратилди. Янги ишга олинганларнинг барчаси ёшлар.

Бу каби қўллаб қорхоналарга янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш орқали ички бозорни тўлдириш, экспорт саноҳиятини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги «Еш оилаларни мод-


дий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижроси ўлароқ банк томонидан кенг қўллаб-қувватлаш амалга оширилмоқда. Еш оилаларга мебель, маиший техника, электр ускуналари ва қурилиш материаллари сотиб олишларида яқиндан кўмак бериш мақсадида истеъмол кредитлари ажратиш кенг йўлга қўйилган. 2012 йилнинг ўтган ойлари давомида 443,4 миллион сўм миқдориди ипотека ва истеъмол кредитларининг ажратилгани бунинг исботидир.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурининг жойлардаги ижросини таъминлаш бўйича олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, шубҳасиз, аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга. Айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар янги иш ўринлари яратилишида муҳим омил бўлмоқда.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш бугуннинг долзарб вазибаларидан бири. Ҳа, ёшлар келажақ эгалари. Тараққийёт давомчилари, яратувчилари. Уларни қўллаб-қувватлаш тараққийётни қўллаб-қувватлаш демек. Банк тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган касб-хунар коллежлари битирувчилари ҳамда оилавий тадбиркорликни бошлаш ниятидаги юртдошларимизга ҳам молиявий кўмак кўрсатиб келмоқда. Жорий йил бошидан буён шу мақсадда молия муассасаси 46 миллион сўм миқдориди сармомая ажратди. Улар коллеж битирувчиларига берилиб, ҳозирда ёшлар ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаб олдилар.

Сирасини айтганда, ушбу молия муассасаси амалга ошираётган, маблағ йўналтираётган ишларнинг пировард мақсади мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожланишига хизмат қилишига, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилгандир. Яъни, банк сармомоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққийётга хизмат қилмоқда.

Шодийёр Йўлдошев,
«Qishloq hayoti» мухбири.

 Самарқанд Вилюяти

ЁШЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ

Самарқанд шаҳрида вилоят бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди

Жорий йилда вилоят бўйича олий ўқув юрталарини 4812 нафар, академик лицей ва касб-хунар коллежларини 64 мингга яқин ёшлар битирди. Бугунги асосий вазифа уларни барқарор иш жойлари билан таъминлаш, тадбиркорлик йўналишини танлаганларга ўз бизнесини бошлашга кўмаклашишдан иборатдир.


Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ҳамда вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бoш бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ишбу тадбирдан қўзланган асосий мақсад олий ўқув юрталари ва касб-хунар коллежларини битирган ёшларни ўз қизиқиши ва мутахассислигига мос ишга йўналтириш эди.

Тадбирда вилоятдаги 410 дан ортиқ йирик

саноат, кичик ишлаб чиқариш корхоналари, хизмат кўрсатиш ва сервис субъектлари, хунармандлар, касаначилик меҳнатини ташкил қилган корхоналар, тадбиркорлар, касб-хунар коллежлари ва тижорат банклари ўз маҳсулотларидан намуналар, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар турлари ҳамда мавжуд иш ўринлари билан қатнашди.

Ярмаркада қатнашганларнинг 2038 нафарига ишга жойлашиш учун йўлланмалар берилди, 240 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига ва 75 нафари билан касб-хунар ўрганиш ва малакасини ошириш учун шартномалар тўзилди.

Ақбар ҚАРШИЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

 Тошкент Вилюяти

Писконт туманидаги 79-сонли ихтисослаштирилган мактаб-интернати ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинода бошлашди. Ушбу бунёдкорлик ишлари «Олмалик кон-металлургия комбинати» ОАЖ ҳомийлигида «Олмалик металлургия қурилиш трести» қурувчилари томонидан амалга оширилди.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ЯНГИ БИНОДА

— Илм масканининг нафақат биноси, балки бутун ҳудуди замонавий кўринишга эга бўлди, — дейди «Олмалик кон-металлургия комбинати» очик акциядорлик жамиятининг капитал қурилиш бошқармаси муҳандиси Фуломали Атаев. — Жумладан, барча синф хоналари, ошхона, спорт зали, ҳаммом, автогараж, иситиш қозонлари ва ётоқхоналар қайтадан бунёд этилди. Ҳовли атрофидаги эски деворлар ўрнига янги замонавий тўсиқлар ўрнатилди. Болалар майдончалари ободонлаштирилиб, янги гулзор ташкил этилди, фавворалар қурилди. Тоза ичимлик суви учун янги тармоқ тортилди.

Иброҳим ТОШЕВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...



УЙ-ЖОЙ ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

Яқинда уй сотиб олмакчиман. Бу жараёнда қандай қонуний ишлар амалга оширилиши керак. Шу ҳақда тушунча берсангиз. К.АБДУРАИМОВ Жондор тумани

Жой олди-сотди шартномаси предмети бўлиб, ҳуқуқнинг бир қисми эмас, балки уй-жойнинг бир қисмига нисбатан ҳуқуқ ҳисобланади.

Сотилаётган уй-жойнинг нархи тарафлар келишувида мувофиқ белгиланади ва ушбу шартлар шартномада ўз ифодасини топади (ФКнинг 485-моддаси). Амалдаги қонунчиликда шартнома баҳоси ҳақида алоҳида қоида мавжуд: яъни шартномада тарафларнинг ёзма равишда келишган кўчмас мулкнинг баҳоси тўғрисидаги шарт бўлмаса, уни сотиш тўғрисидаги шартнома тузилмаган ҳисобланади (ФКнинг 485-моддаси).

Уй-жойнинг бозор қийматига унинг ўзига хос хусусиятлари, яшашига қулайлиги, шинамлиги, инженерлик коммуникацияларининг мавжудлиги каби жиҳатлар ҳам таъбир кўрсатади.

Уй-жой олди-сотди шартномасини бошқа турдаги шартномалардан фарқланувчи хусусиятларидан бири унинг кўчмас мулк ҳисобланиши ва фуқароларнинг яшаш учун мўлжалланганидир. Демак, уй-жой олди-сотди шартномаси асосида мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши айрим шахслар учун фойдаланиш ҳуқуқини йўқотишга олиб келмайди.

Саволга Бухоро шаҳри 5-сон давлат нотариал идораси нотариуси Ж.ЭРГАШЕВ жавоб берди.

Уй-жой Кодексининг 22-моддасида уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиш асослари санаб ўтилган.

Уй-жой олди-сотди шартномасининг ўзига хослиги унинг предмети ва ҳуқуқий асосларидан келиб чиқади. Ушбу шартнома тузувчи тарафлар олди-сотди шартномасининг барча асосий шартлари юзасидан келишувга эришгач, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади, ўзгарилиши ва бекор қилинади.

Уй-жой олди-сотди шартномаси предметида товар сифатида алоҳида талаблар қўйилади. Фуқаролик Кодексининг 484-моддаси талабига мувофиқ, кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан, кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан,

Фуқаролик ҳуқуқи назарияси ашёларни бўлиндириш ва бўлинмайдиганларга ажратди. Унинг предмети, аввало, мулкнинг муносабатларида, яъни уларнинг қийматида ифодаланади. Уй-жойнинг бир қисмига нисбатан ҳуқуқлар ҳақида сўз юритилганда, биз унинг қийматига нисбатан ҳуқуқларни назарда тутамиз. Чунки ўзининг техник характеристикасига мувофиқ, уй-жой бўлинмасдир. Демак бир неча шахсларга умумий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй-

Уй-жой тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу жумладан,

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2012 йил 9 октябрь кuni соат 12:00 да бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига Нукус шаҳар, Турон кўчаси, 57-уйда жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси Божхона бошқармасига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1997 й. и/ч "Нексия" русумли, д/р 95 789 GAA, бошланғич баҳоси 8 801 692 сўм; 1997 й. и/ч "Нексия" русумли, д/р 95 772 GAA, бошланғич баҳоси 4 855 080 сўм; 1999 й. и/ч "Нексия" русумли, д/р 95 778 GAA, бошланғич баҳоси 7 303 824 сўм; 1997 й. и/ч "Нексия" русумли, д/р 95 810 GAA, бошланғич баҳоси 5 277 255 сўм; 1999 й. и/ч "Тико" русумли, д/р 95 812 GAA, бошланғич баҳоси 3 482 408 сўм; 1999 й. и/ч "Тико" русумли, д/р 95 797 GAA, бошланғич баҳоси 3 763 661 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йилнинг 24 октябрь кuni бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси қолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорда комиссия йиғим тўланади. Аукцион савдоси қолиб савдо ўтган кундан бошлаб 20 (ишғирма) иш кuni ичда сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 12:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Нукус шаҳар, А.Темур кўчаси, 112-а уй 4-қават 412-хонада ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktision Invest" МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси филиалининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Нукус филиалидаги МФО: 01068, ИНН: 302083379, 20208000904932168010 хисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Қўшимча маълумот олиш манзили: Нукус шаҳар, А.Темур кўчаси, 112-а уй, 412-хона. Телефон: (8 361) 222-11-73.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ 2012 ЙИЛ 24 СЕНТЯБРЬ КУНИ СОАТ 12:00 ДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ҚАЙТА ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Аукцион савдоларига суд ижрочилари Бухоро шаҳар бўлими томонидан хатланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

ЖИБ Когон тумани судининг 21.10.2008 йилдаги 1-78-сонли ижро ҳужжатига асосан "Когон таъминот савдо" МЧЖ омборхонасида сақланаётган, 1990 й. и/ч "КАМАЗ-5410" русумли автомашина, д/р 23 L 4585, бошланғич баҳоси 17 059 257 сўм ҳамда 1987 й. и/ч "ОДА3-9370" русумли тиркама ва ярим тиркама, д/р 23 С 355, бошланғич баҳоси 5 123 637 сўм;

Мазкур автотранспорт воситалари ушбу кундаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йилнинг 10 октябрь кuni соат 12:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан бошлаб ҳар кuni (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 17:00 га қадар Бухоро шаҳри Мустақиллик кўчаси 10-уй, 4-қават, Ви-

лоят давлат мулк бошқармаси биносида қабул қилинади ва савдо ўтказилишидан 1 (бир) кун аввал соат 12:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари ушбу бинонинг 4 қаватдаги савдолар залида ўтказилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчисига билан тузилмаган «Закалат пули тўғрисидаги келишув»га асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги (ижро ҳужжатининг рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда) закалат пулини "Universal Auktision Invest" МЧЖ Бухоро филиалининг «Турон банк» Бухоро вилояти филиали, МФО-00111, СТИР 302083379, 2020800004932168017 хисобрақамига тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

ДИҚҚАТ, ТУЗАТИШ!

«Universal Auktision Invest» МЧЖ Бухоро вилояти филиали томонидан «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг 2012 йил 30 августдаги 101 (8026)-сонда берилган реклама эълони қуйидагича ўқилсин!

ЖИБ Вобкент тумани судининг 10.05.2012 йилдаги 1-33-сонли ижро ҳужжатига асосан Бухоро вилояти ИИБ ЙХХБ автоҳўжалигида сақланаётган, 2005 й. и/ч "LACETTI" русумли, д/р 80 С 010 ВА, бошланғич баҳоси 28 070 664 сўм; ЖИБ Бухоро вилояти судининг 24.05.2012 йилдаги 2-17-12-сонли ижро ҳужжатига асосан Бухоро вилояти ИИБ ЙХХБ автоҳўжалигида сақланаётган, 2003 й. и/ч "NEXIA" русумли, д/р 80 К 453 СА, бошланғич баҳоси 13 215 000 сўм; ЖИБ Бухоро шаҳар судининг 25.11.2010 йилдаги 1-506-сонли ижро ҳужжати асосан Бухоро шаҳар ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган, 1995 й. и/ч "RENAULT AE-385 MAGNUM" русумли седел тгач, д/р 17 Т 6200, бошланғич баҳоси 23 020

875 сўм ҳамда 1996 й. и/ч "LECI TRAILER" русумли рефрижератор, д/р 17 С 048, бошланғич баҳоси 28 806 888 сўм бўлган автомашиналар бўйича аукцион савдолари 2012 йил 10 октябрь кuni соат 12:00 да, мазкур кuni сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2012 йил 26 октябрь кuni соат 12:00 да ҳамда оқорида кўрсатиб ўтилган автотранспорт воситаларидан ташқари қолган автотранспорт воситалари бўйича такрорий аукцион савдолари бўлишини инобатга олиб, улар бўйича аукцион савдолари 2012 йил 24 сентябрь кuni соат 12:00 да, мазкур кuni сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2012 йил 10 октябрь кuni соат 12:00 да бўлиб ўтишини билдираимиз.

Қўшимча маълумот учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишни мумкин: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қаватда. Электрон манзил: UAL_Bux@inbox.ru. Гувоҳнома № 004059

ООО "NIVAT BROK SERVICES" (ИНН 300781366), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Фаргона, йўли, 13/11, ликвидируется (решение собрания учредителей № 2, 03.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования указанного объявления.

"AKTIV MANAGEMENT" МЧЖнинг Устав фонди 15 032 753,70 сўмдан 3 500 000,0 сўмгача қамayтирилади. Манзил: Тошкент ш. А.Темур кўч. 25-уй.

ООО «KELAJAK NUR TRANS» (ИНН 301388949), зарегистрированное ИПСД Сергеевского р-на г. Ташкента (реестр № 002325-05, 30.11.2009 г.), объявляет о самореквизитации. Претензии принимаются в течение двух месяцев по адресу: Сергеевский р-н массив Куйлюк-5 д. 1 к-ра-3. Тел.: 375-35-05.

Утерьяний план квартири, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Дилхуш д. 12 к-ра 3, выданный Чиланзарский БТИ г. Ташкента на имя Чубуковой Ирины Павловны, считать недействительным.

Утерьяний кадастр № 663, выданный 16.09.2006 г. ГУРЗОК г. Ташкента по адресу: г. Ташкент Сергеевский р-н г. Сергеев-14 Б на имя Халимовой Гузаль Нугмановны, считать недействительным.

ООО «ABL BIZNES» (ИНН 301688274), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзарский р-н ул. Гаваар 151, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 04.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 580-29-36.

Утерьяний план квартири, расположенной по адресу: г. Ташкент Чиланзар-31, 52, 81, выданный Утерьянский БТИ на имя Очилва Акибра Бабамуродовича, считать недействительным.

Утерьяния лицензия на оптовую торговлю УС № 004986, выданную торговым департаментом хокимията Чиланзарского р-на от 02.02.2009 г. на ООО "RUSKIY KVAS", считать недействительным.

ООО "HARVEST ALFA PLUS" (ИНН 302311663), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Муйнакская, 200, зарегистрированное Хамзинского инспекция по регистрации субъектов предпринимательства (гос. реестр № 003927-07, 10.07.2012 г.), ликвидируется (Решение о добровольной ликвидации №4 от 05.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев.

Утерьяние документы: 2 паспорта на имя Хайдаровой Меҳриниссо Авазхоновны и Эрнатаровой Мохитовны, также домовой книгу просим вернуть за вознаграждение. Тел.: +99894 197-00-78.

Утерьяние документы: лицензия УС № 005794 на право оптовой торговли, выданная хокимиятом Утерьянского р-на; гувоҳнома № 002725 (реестр 002725-01, 2.03.09); круглая печать и устав ООО "MUBINA-PRINT" (ИНН 300831416), Утерьянского р-на г. Ташкента, считать недействительными.


Тошкент ш. Чилонзор т. Давлат солиқ инспекцияси томонидан берилган қачана савдо фойдаланиш билан шуғулланидиган ҳақи тартибдаги таъбиркор «KHADIMLAROV KAKHRAMON XALTAJEVICH»га тўғрилик дарамадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дастурга йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва қўчмас мулк кадастризми" томонидан Тошкент ш. Утеча т. 25 дада Катта Хирмонтепа кўч. 41-уйда жойлашган Халк банини Утерьяния Филиалига 26.02.2010 й.да берилган ТА 090982-сонли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерьяние круглая печать и штамп принадлежавшие ИП "Абдуллоев Дирбек Эрғашбеков" Юнусабадского р-на г. Ташкента, считать недействительными.

Утерьяний план дома, расположенного по адресу: г. Ташкент Юнусабадский р-н ул. Г.Мавлянова д. 59, выданный БТИ Юнусабадского р-на на имя Хашимова Фарруха Фарходовича, считать недействительным.

"BOTIR SERVICE" МЧЖнинг Низом жағмармаси (ишироқларнинг 04.09.2012 й.даги 1-сонли халласи Ба-Венесуэла асосан) 17 425 272 сўмдан 1 000 272 сўмга қамayтириш маълум қилди. Давомлар бир ой ичнда 128-18-80 телефон рақами орқили қабул қилинади.



ТУЗУВЧИ:
Валижон
АБДУЛЛАЕВ,
Наманган
туманидаги
37-умумтаълим
мактаби тасвирий
санъат фани
ўқитувчиси.

1. Массажетлар қабиласининг ма-
ликаси
2. Тахтадан ясалган уй-рўзгор
буюми
3. Қадимги Насафнинг бугунги
номи
4. Чангак
5. Куш номи
6. Девор безаги
7. Ҳунарманд
8. Ўзбек эстрадаси намояндаси
(фамилияси)
9. Юрт
10. Ширинлик тури
11. Таймазов
12. Шахмат бўйича жаҳон чем-
пиони
13. Кумушнинг юрти
14. Куй
15. Бухоро вилоятидаги туман

Хавфли балиқлар

ТОШБАЛИҚ

Дунёдаги энг захарли балиқ – тошбалиқ ҳисобланади. Бородавчатка деб номланадиган ушбу балиқнинг узунлиги 35-50 сантиметр бўлиб, жанубий ҳудудлардаги йирик сув ҳавзаларида



тишлари 3 қатор жойлашган. Сувдаги барча тирик жониворлар билан озиқланадиган оқ акуланинг тишлаш кучи 1 сантиметрга 150 килограммни ташкил этади.

ПИРАНЬЯ

Жанубий Америкаликлар уни "Тишли шайтон" деб атайди. Тишлари уч бурчак олмосни эслатувчи ушбу балиқнинг узунлиги 20-



30 сантиметр келади. Пираниялар ўта баджаҳл бўлиб, ўз ўлкасини маълум вақт ичида суягига-ча еб битириши мумкин.

ОҚ АКУЛА

Барча акулалар ичида энг хавфлиси ҳисобланадиган оқ акуланинг узунлиги 7 метргача, оғирлиги 3 тоннагача бўлади. Оқ акуланинг 3 мингтага яқин

БИЛАСИЗМИ?



ГОЛИАФ БАЛИҒИ

Африка кўлларида яшайдиган Голиафнинг узунлиги 1,5 метр бўлиб, оғирлиги 70 килограмм келади. Қозқитишли бу балиқ анчагина очкўз ва кўчли. Шу боис, у катта тезликдаги оқимга ҳам қарши суза олади.

ЛАҚҚА КАНДИРУ

Узунлиги 15 сантиметр келади.



ган шафродғи тусли бу балиқ кўпинча кўзга кўринмайди. У ўлкасини балиқлар нафас олганда чиқадиган аммиак ҳиди орқали топади. У балиқ қони билан озиқланади.

Зулфия АҲМЕДОВА
тайёрлади.



10 сентябрь - 16 сентябрь

ҚҲЙ (21.03 - 20.04)



Ўзингизни кўп нарсаларга қодирдек ҳис қилмоқдасиз. Бу яхши, лекин ҳар қандай ишни бошлашдан аввал имкониятларингизни аниқ таҳлил қилиш муваффақият гарови бўлади.

БУЗОҚ (21.04 - 20.05)



Сиз учун топшириқнинг катта-кичиги бўлмайди. Бу ҳислатингизни атрофингиздаги кишилар ҳам жуда қадрлашларини ўзингиз ҳам биласиз. Бу ҳислатни йўқотмасликка интилинг.



ЭГИЗАКЛАР (21.05 - 21.06)

Иш-уй ташвишлари деб ўзингизни ўтгачўққа уравериш жонингизга теккан бўлса, демак, бироз хордиқ олишга ҳақлисиз. Бу қарорингизни барбод қилишларига йўл қўйманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 - 22.07)



Шовқин-суронли давраларни ёқтирмайсиз, бу аниқ. Лекин хизмат тақозоси тўғрисида яқин кунларни таниш-нотаниш кишилар иштирокидаги тадбирларда қатнашингизга тўғри келади.

АРСЛОН (23.07 - 23.08)



Текис ерда қоқиладиган кишилар сирасига кирмайсиз. Лекин шу кунларда йўқ ердан муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Бундай пайтда энг муҳими — хотиржамлик.

ПАРИЗОД (24.08 - 23.09)



Молиявий аҳволингизни анча яхшилаб олишингиз учун қўлай имкониятлар тўғрисида мумкин. Бу имкониятларни йўққа чиқармаслик эса ўз қўлингизда бўлади, албатта.

ТАРОЗИ (24.09 - 23.10)



Яқинларингиз саломатлиги билан боғлиқ муаммолар сизни асосий фаолиятингиздан бироз чалғитиб қўйиш эҳтимоли йўқ эмас. Лекин хавотирга ўрин йўқ, тез орада ҳаммаси изга тушади.

ЧАЁН (24.10 - 22.11)



Кишилар билан мулоқотда баъзан ўзингизни қўпол, терс тугадиган одатингиз бор. Агар феълингиздаги шу нуқсонни яқин кунларда жиловлаб тўрлосангиз, ишларингиз бароридан келади.

ЎҚОТАР (23.11 - 21.12)



Ким нима деб маслаҳат бермасин, муаммоларингизни ўз билганингизча ҳал этишга ҳақлисиз. Қолаверса, айна пайтда бу сиз учун энг тўғри йўл бўлиши мумкин. Мустақил қарор қабул қилишга интилинг.

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 - 20.01)



Катта харидлар қилиб, кейин пушаймон бўлиб ўтиришдан ёмони йўқ. Шундай ҳолга тушиб қолмай десангиз, қимматбахо нарса сотиб олишдан аввал ҳар томонлама йўлаб кўринг.

ҚОВҒА (21.01 - 20.02)



Айни кунларда сизнинг энг биринчи ишингиз — саломатлигингизга эътибор қаратиш бўлиши шарт. Арзимаган шамоллаш ҳам кейинчалик ёмон ва жиддий асоратлар қолдиришини унутманг.

БАЛИҚ (21.02 - 20.03)



Ҳар қандай касб, фаолиятга ҳам ижодий изланишга тўғри келади. Сизнинг феълингизда эса ижодкорлик етарли. Айни кунда бор қобилиятингизни ишга солишингиз яхши натижа беради.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Аграрно-комплекс
тарихидаги ҳамда шу
тармоққа давлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Зафар РҲЗИЕВ, Улугбек УЗОҚОВ,
Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муза
АНОРБОВ, Абдуваҳаб ТАМИҚАЕВ, Маҳмуд
ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир
уринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ,
Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррир уринбосари), Ренат
НАЗАРОВ, Шерзод ҚУЛОМОВ, Муҳиддин
АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қаблукона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иктомий-сийови ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-25-59; Жиззах — (+99890) 297-44-09; Наманган — (+99891) 537-14-36; Самарқанд — (+99891) 537-24-55; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Суғдиёлар — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама ва
эълонлар:

236-58-83,
233-28-04.

Реклама ва
эълонлар матни
учун буортмачи
жавобгар

ISSN 2030-7083

47702030708031

Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги
томонидан 2009 йил 13
февралда № 0020-рақам
билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи
муҳаррир:

С.СОЛИЕВА

Мусоҳарас:

А.ЭЛМУРОДОВ

Дизайнер:

М.СОБОУММАНОВА

Газета сешанба, пайшанба,
жума кунлари чикади.
Буортма Г-914,
ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.

Маъзилмиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz
qh02@rambler.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.50
15803 нускада босилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг
ўзига компютерда
терилди ва
сахифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акадорлик
компанияси босмоқасида босилди.
Маъзилмиз: "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.